

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2026

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марксовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерматов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Рашидов Ойбек Расулович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддиневич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмутаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Хакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
*Масъул котиб*

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Ахмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Абдор Анварович**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
*Масъул котиб*

**Исоков Бахтиёр Робиддинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети


**Хасанова Нодира Ибрагимовна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти, Денов  
тадбиркорлик ва педагогика институти

**Турсунова Юлдуз Бобоқуловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

|                                                                                                                                                                                     |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>1. Зумрад Бойхўразовна Раҳмонкулова</b><br>XXI АСР ТУРКИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЖАДИДЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ.....                                                                            | 5  |
| <b>2. Gulnara Rashidovna Joldasbaeva</b><br>QORAQALPOQLARNING AN'ANAVIY SUT MAHSULOTLARI VA UNING INSON<br>SALOMATLIGIGA TA'SIRI.....                                               | 11 |
| <b>3. Nigora Azadovna Egamberdiyeva</b><br>XORAZMNING QADIMIY HUNARMANDCHILIGI TARIXI<br>(KULOLCHILIK TARIXI MISOLIDA).....                                                         | 17 |
| <b>4. С.И.Габриэльян</b><br>СРЕДНЕВОСТОЧНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ РУССКО-ГЕРМАНСКОГО СОПЕРНИЧЕСТВА<br>НАКАНУНЕ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....                                                      | 23 |
| <b>5. Risolat Davron qizi Murodova</b><br>ILMIY MEROSNI SAQLASHDA ILMIY MUZEYLARNING O'RNI: TAJRIBA VA TAHLIL...                                                                    | 35 |
| <b>6. Shukrullo Nasriddinov, Dilshod To'xtasinov</b><br>O'RTA OSIYO DINIY-MONUMENTAL ME'MORCHILIGINING AYRIM XUSUSIYATLARI<br>HAQIDA.....                                           | 42 |
| <b>7. Sherbek Axmedovich Omanov, Shukrullo Nazrullayevich Nasriddinov</b><br>AXSIKENT YODGORLIGI ASOSIDA O'RTA ASRLAR UY - JOY XO'JALIGI MODDIY<br>MADANIYATINING O'RGANILISHI..... | 48 |
| <b>8. Матлуба Бойхурозовна Раҳманкулова</b><br>XVI–XVII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУҚОВАЛАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҲИРОТ<br>МУҚОВАСОЗЛИК УСЛУБИ АНЪАНАЛАРИ.....                             | 54 |
| <b>9. Abdulla Nuritdinovich Rasulov, Nurillo Abdulboqiyevich Rejabboyev</b><br>SAMARQAND VILOYATI OCHARCHILIK OQIBATLARINI<br>TUGATISH KOMISSIYASI FAOLIYATI.....                   | 63 |
| <b>10. Рустам Султонмуродович Солиев</b><br>XX ASRDA TURKISTONDAGI SIYOSIY PARTIYALAR VA IJTIMOIIY-SIYOSIY<br>HARAKATLAR.....                                                       | 71 |
| <b>11. Xayrullo Lutfillojon o'g'li Xolmirzayev</b><br>QO'QON XONLIGIDA 1853-YIDAN KEYINGI SIYOSIY HARAKATLAR VA<br>MALLAXONNING HOKIMIYATGA KELISHI.....                            | 76 |
| <b>12. Mirzabek Karimjon o'g'li Xolboyev</b><br>FARG'ONA VODIYSI OBLASTLARIDAGI ARXIV MUASSASALARI FAOLIYATI TARIXI:<br>MUAMMO VA YECHIMLAR.....                                    | 82 |



**Матлуба Бойхурозовна Рахманкулова,**  
Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази илмий ходими,  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
[rahmankulova.matluba@mail.ru](mailto:rahmankulova.matluba@mail.ru)

## **XVI–XVII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУҚОВАЛАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҲИРОТ МУҚОВАСОЗЛИК УСЛУБИ АНЪАНАЛАРИ**

**For citation:** Matluba B.Rakhmankulova. TRADITIONS OF THE HERAT STYLE OF BOOKBINDING ART OF THE TIMURID PERIOD IN THE BOOKBINDINGS OF CENTRAL ASIA OF THE 16TH–17TH CENTURIES. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 7.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21807431>

### **АННОТАЦИЯ**

Мақола Темурийлар даври Ҳирот муқовасозлик мактаби аънаналарининг XVI–XVII асрларда Мовароуннахр (Бухоро, Самарқанд) китобат муҳитига кўрсатган трансформациявий таъсири ва маданий ворислик масалаларига бағишланган. Тадқиқотда Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври кутубхоналарида Ҳирот аънаналарининг давом эттирилиши, хусусан, Султон Али Машҳадий шогирдлари, хаттот Амир Али Ҳусайний ва мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб каби усталарнинг фаолияти баён этилган. Шунингдек, хорижий ва республика фондларида сақланаётган конкрет қўлёзмаларнинг бадиий муқова безаклари қиёсий таҳлил қилиниб, давр муқовасозлигида аънавий Ҳирот ва Бобурийлар даври Ҳинд услубларининг синтези, ҳамда, локли муқова тайёрлаш технологиясининг ривожланиши илмий асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** муқовасозлик санъати, Темурийлар, Ҳирот мактаби, Шайбонийлар, Аштархонийлар, китобат технологияси, чарм муқова, лок тасвирий санъати, услублар синтези, маданий ворислик.

**Рахманкулова Матлуба Бойхурозовна,**

Научный сотрудник Центра исламской цивилизации в Узбекистане,  
Доктор философии по истории (PhD),  
[rahmankulova.matluba@mail.ru](mailto:rahmankulova.matluba@mail.ru)

## **ТРАДИЦИИ ГЕРАТСКОГО СТИЛЯ ПЕРЕПЛЕТНОГО ИСКУССТВА ЭПОХИ ТИМУРИДОВ В СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ПЕРЕПЛЕТАХ XVI–XVII ВЕКОВ**

### **АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена изучению трансформационного влияния и вопросов культурной преемственности традиций Гератской школы переплетного мастерства эпохи Тимуридов на книжное дело Мавераннахра (Бухара, Самарканд) в XVI–XVII веках. В исследовании рассматривается продолжение гератских традиций в библиотеках Шейбанидов и Аштарханидов, в частности, деятельность таких мастеров, как ученики Султана Али

Машхади, каллиграф Амир Али Хусайни и художник Махмуд Музаххиб. На основе сравнительного анализа художественного оформления переплетов конкретных рукописей, хранящихся в зарубежных и национальных фондах, научно обоснован синтез традиционного гератского и индийского (эпохи Бабуридов) стилей, а также развитие технологии изготовления лаковых переплетов в книжном искусстве рассматриваемого периода.

**Ключевые слова:** переплетное искусство, Тимуриды, Гератская школа, Шейбаниды, Аштарханиды, книжная технология, кожаный переплет, лаковая живопись, синтез стилей, культурная преемственность.

**Matluba B. Rakhmankulova,**

Researcher at the Center for Islamic Civilization in Uzbekistan,

Doctor of Philosophy in History (PhD),

[rahmankulova.matluba@mail.ru](mailto:rahmankulova.matluba@mail.ru)

## TRADITIONS OF THE HERAT STYLE OF BOOKBINDING ART OF THE TIMURID PERIOD IN THE BOOKBINDINGS OF CENTRAL ASIA OF THE 16TH–17TH CENTURIES

### ABSTRACT

The article is devoted to the study of the transformational influence and cultural continuity of the Timurid period Herat bookbinding school traditions on the bookmaking environment of Mavarannahr (Bukhara, Samarkand) in the 16th–17th centuries. The research examines the continuation of Herat traditions in the libraries of the Shaybanids and Janids (Ashtarkhanids), specifically highlighting the contributions of masters like the disciples of Sultan Ali Mashhadi, calligrapher Amir Ali Husayni, and artist Mahmud Muzahhib. Through a comparative analysis of the artistic designs on bindings of specific manuscripts preserved in local and international collections, the paper scientifically demonstrates the synthesis of traditional Herat and Mughal-Indian styles, as well as the technological evolution of lacquer bookbinding during this period.

**Index Terms:** bookbinding art, Timurids, Herat school, Shaybanids, Ashtarkhanids, bookmaking technology, leather binding, lacquer art, synthesis of styles, cultural continuity.

### 1. Долзарблиги:

Марказий Осиё халқларининг бой маданий мероси ичида китобат санъати, хусусан, муқовасозлик маданияти алоҳида ўрин тутди. Кўп асрлик анъаналарга эга бўлган бу нодир хунар тури нафақат қўлёмаларни жисмоний жиҳатдан асраш, балки даврнинг бадиий-эстетик диди ва технологик ютуқларини кўрсатувчи муҳим манба ҳамдир. Темурийлар даври, хусусан, XV аср Ҳирот муқовасозлик мактаби ўзининг бетакрор бадиий услуби, чармга ишлов бериш, нақшинкор бўртма ва босма безаклар ҳамда олтин суви югуртириш технологияси билан ислом олами китобат санъатининг олий чўққиси сифатида эътироф этилади. Жаҳон кутубхоналарида сақланаётган Марказий Осиё қўлёмаларининг яратилиш даври ва мактабини аниқлашда Ҳирот муқова услуби элементларини таниш энг ишончли илмий мезонлардан бири ҳисобланади. Замонавий санъатшунослик ва манбашунослик олдида турган муҳим вазифалардан бири ушбу юксак мактаб анъаналарининг кейинги даврлардаги тақдирини ўрганишдир. Мавзунинг долзарблиги, аввало, Ҳирот муқовасозлик услубининг кейинги асрларда Марказий Осиё ҳудудида шаклланган Шайбонийлар ва Аштархонийлар китобат муҳитига кўрсатган трансформациявий таъсирини аниқлаш зарурати билан белгиланади. Ҳирот мактабига хос бўлган мураккаб тасвирий композицияларнинг кейинги даврларда маҳаллий безаклар билан алмашиш, шунингдек, Абдуллахон соний, Имомқулихон ва Абдулазизхон II даврларида Бобурийлар давлати билан маданий алоқалар натижасида ҳинд услублари билан қоришиш жараёнларини тадқиқ этиш минтақадаги маданий ворислик занжири илмий асослаб беради. Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистонда миллий хунарамандчиликни тиклаш ва қўлёмаларни тўғри атрибуция

килиш учун Ҳирот услуби элементларининг эволюциясини ўрганиш юксак назарий ва амалий аҳамият касб этади.

**2.Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:** Мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинганда, китобат санъати ва қўлёзмаларни безаш тарихи узоқ йиллардан буён маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келаётгани кузатилади. Бироқ, Ҳирот муқовасозлик мактаби услубининг кейинги давр Марказий Осиё муқовачилигига таъсири алоҳида ва яхлит тадқиқот объекти сифатида тизимли ўрганилмаган. Соҳага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, О. Акимов, Б. Ахмедов, Н. Миклухо-Маклай каби олимлар ўз тадқиқотларида Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври кутубхоналари, уларда фаолият юритган хаттот ва мусаввирлар ҳақида муҳим тарихий маълумотларни келтирганлар. Шунингдек, А. Муродовнинг Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихига оид ишларида Ҳирот анъаналарининг Бухоро санъат муҳитига кўчиб ўтиш жараёнлари қисман тилга олинган. Хорижлик тадқиқотчилардан Y. Porter, M. Szuppe, H. Barakat, J. Kröger ва F. Sarre каби олимларнинг асарларида Бухорода шаклланган сарой кутубхоналари, Маҳмуд Музаҳҳиб ва Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шаҳобий каби усталарнинг фаолияти ҳамда айрим қўлёзма муқоваларнинг бадиий хусусиятлари баён этилган. Бироқ, ушбу тадқиқотларда Ҳирот услуби элементларининг XVI–XVII асрлар давомида маҳаллий муқовасозлик мактабларида айнан қандай трансформацияга учрагани комплекс равишда қиёсий таҳлил этилмаган бўлиб, ушбу мақола айни шу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Мақолада қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва мавзунинг изчил ёритиш учун комплекс илмий методлардан фойдаланилди. Хронологик кетма-кетлик ва даврлараро маданий алоқаларни таҳлил қилишда, хусусан, Ҳирот маданий маркази мақомининг Бухоро ва Самарқандга ўтиш жараёнларини ўрганишда *қиёсий-тарихий метод* асосий пойдевор бўлиб хизмат қилди. Ҳирот ва кейинги давр Марказий Осиё муқовачилигидаги нақшлар, безаклар ва композицияларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда *санъатшунослик (услубий ва композицион) таҳлили* қўлланилди. Муқова тайёрлашда ишлатилган хомашёлар (чарм, қоғоз, картон) ва безаш усуллари (босма, бўртма, зарҳаллаш) технологик ривожланишини, шунингдек, XVII асрда папье-маше асосидаги локли муқовасозлик технологиясининг кириб келишини тизимлаштириш мақсадида *қиёсий-типологик ва технологик методларга* таянилди. Истанбул, Лондон, Нью-Йорк, Париж ва Санкт-Петербург фондларида сақланаётган қўлёзмалар (Шайбонийхон “Девон”и, Саъдий Шерозий “Бўстон”и, Низомий Ганжавий “Махзан ул-асрор”и ва б.) муқоваларини бевосита ўрганишда эса *манбашунослик ва атрибуция методларидан* унумли фойдаланилди.

**3.Тадқиқот натижалари:** Темурийларнинг Ҳирот китобат муассасаси Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Алишер Навоий раҳбарлигида фаолиятининг ривожланган ва сўнгги босқичини ўтказиб, 1507 йилда Шайбонийлар томонидан Ҳирот эгалланганда йўқ қилинди. Кўчманчи ўзбеклардан бўлган Шайбонийхон (1451–1510) 1499 йилда Мовароуннаҳрни, Султон Хусайн вафотидан сўнг 1507 йилда Ҳиротни эгаллайди. Хуросоннинг аввал Шайбонийларга, ундан сўнг Сафавийларга тобе бўлиши Ҳирот ўзининг мавқеини йўқотиб, маданий марказ мақоми Бухоро ва қисман Самарқандга ўтишига сабаб бўлди. Кўплаб олим, шоир, мусаввир ва хаттотлар Ҳиротдан бошқа шаҳарларга кўчиб кетдилар, ана шу пайтда Ҳирот китобат усталари қатори хаттот Султон Али Машҳадий (1437–1520) шогирдлари билан Бухорога келиб, Ҳирот китобат мактабининг анъаналарини давом эттирди [7, б. 39]. Ҳиротда ижод қилган усталарнинг турли ҳудудларга тарқаб кетиши темурийлар даври Ҳирот услубининг XV асрдан бошқа маданий марказларда яратилган қўлёзмаларга, хусусан, бадиий муқоваларга ўз таъсирини кўрсатишига сабаб бўлди.

Бу даврга оид қўлёзмалардан Муҳаммад Шайбонийхон “Девон”ининг XVI асрга оид ягона нусхаси (Istanbul, Topkapı Palace Museum Ahmed III Library. Ms.no.2436) Истанбулда, 914 йил муҳаррам / 1508 йил май ойида кўчирилган “Баҳр ал-худо” (“Ҳидоят денгизи”) (London, British Library. Add. 7914) ва фикҳ илмига оид 916/1510 йилда кўчирилган “Рисолаи маориф” (London, British Library. Add.12956) асарларининг ягона нусхаси Лондонда

сақланади. Мулла Муҳаммад Шоди “Фатҳнома” асарининг 1507 йилларга оид нусхаси (Тошкент, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, №5369) Шайбонийлар ҳукмронлигининг дастлабки даврларига оид бадий қўлёзма намуналаридан ҳисобланади.

Шайбонийхон вафотидан сўнг, 1520–1530 йилларда Бухоро шаҳрида китобат ривожини Убайдуллахон (1487–1540) номи билан боғлиқ. Убайдуллахон бир неча марта Ҳиротга юриш қилганда, ўзи билан Бухорога китобат усталарини олиб келади. Улар орасида хаттот Амир Али Ҳусайний, Камолиддин Бехзоднинг энг қобилиятли шогирдларидан бири мусаввир Шайхзода ҳам бор эди. Мусаввир Бухорога келгандан сўнг Маҳмуд Музаҳҳиб номи билан ижод қилган. Улар томонидан 1522–1524 йилларда тайёрланган Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” (New York, The Metropolitan Museum of Art. no. 11.134.2), Шамсиддин Муҳаммад Ассор Табризийнинг (1325–1390) “Меҳр ва Муштарий” (Washington, Freer Gallery, Smithsonian Institution. No. F1932.3a-b.) қўлёзмалари ўша даврдан бошлаб Бухоро китобати Ҳирот услуби таъсирига тушганлигидан гувоҳлик беради. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1499–1551) Убайдуллахон тўғрисида шундай ёзади: “Убайдуллахон етти қисм бирла хат футур эрди, анинг тириклик вақтида Бухородаги фузало ва булаголар, халойиқ ва алойиқларнинг ҳаммаси Ҳиротдин Мирзо Султон Ҳусайн замонин ед берур” [6, б. 370].

XVI аср ўрталарида Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон I (1509–1550) кутубхонаси фаолият юритган. Абдулазизхон I сарой кутубхонаси ҳақида Ҳасан Нисорий (1516–1597) “Музаққир ал-аҳбоб” номли тазкирасида шундай ёзади: “Хоннинг (яъни Абдулазизхоннинг) бир кутубхонаси бор эдиким, ўша пайтларда унга ўхшаш кутубхона бўлганми, йўқми, билмадик. Бу кутубхона котибларининг подшоси Амир Али Ҳусайний эдиким, настаълиқ хатини битишда тенги йўқ эди” [8, б. 46–47]. Кутубхонага турли даврларда 3 нафар китобдор раҳбарлик қилган: Мавлоно Султон Мирак ал-Мунший, Мавлоно Абдуллоҳ ал-Мунший ва Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний ан-Насафий. Уларнинг қўл остида уч мусаввир ва тўққизта хаттот ишлаган [1].

Абдуллахон соний (1534–1598) ҳукмронлиги даврида Бухоро китоб миниатюраларининг уч йўналиши қайд этилган: Ҳирот услуби, Ҳирот-Бухоро услуби ва Бухоро услуби [12]. Абдуллахон соний ҳукмронлиги даврида узоқ давом этган урушлардан (1557–1582) сўнг Мовароуннаҳр бирлаштирилади, Тошкент ва Туркистон бўйсундирилади, 1584 йилда Бадахшон ва Қўлоб, 1588 йилда Ҳирот эгалланади. Ҳирот усталарининг Бухорода Абдуллахон соний кутубхонасидаги фаолияти Марказий Осиё китобатининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Шайбонийлар даврида муқовасозлик Хуросон ва Мовароуннаҳрга хос умумий маданий меросга, темурийлар даврининг бой маданиятига қизиқишга асосланган анъанавий услубда ривожланишни давом эттириши билан бирга, бу даврда муқовасозликда ҳинд услубларининг аралашмаси кўзга ташланади. Чунки Мовароуннаҳрни бирлаштирган Абдуллахон сонийнинг ҳукмронлиги даврида кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон ва Туркия билан сиёсий, маданий ва савдо алоқалари кучайган. Қўшни давлатлар, айниқса, Шимолий Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати (1526–1857) билан бадий алоқалар маҳсули бўлган янги қўлёзмалар туркуми пайдо бўлди. Бунинг сабаби Бобурийлар асли Мовароуннаҳрдан бўлганигина эмас, Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларида тарихий тараққиётнинг шароитлари, ижодкорларнинг бадий қарашлари ва халқнинг тафаккур доираси бир-бирига яқин эди.

1570–1590 йилларда Абдуллахон соний ва Бобурий ҳукмдор Акбар ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди, натижада шоирлар, олимлар, усталар ўртасида маданий сафарлар уюштирилди [4, с. 53]. Шунинг учун ҳам, ўша давр Марказий Осиё муқовасозлигида ҳам ҳинд услубига хос жиҳатлар кўзга ташланишига, муқовасозликда янгича услубларнинг яратилишига ўз таъсирини кўрсатди.

XVI асрнинг охирлари Эрон ва Мовароуннаҳр муносабатларида ўзаро душманлик, ҳарбий тўқнашувлар билан изоҳланади. 1574 йилда Абдуллахон соний томонидан Ҳирот тўққиз ой қамал қилинади. 1589 йилда унинг ўғли Машҳадни вайрон қилиши натижада Машҳад кутубхонаси, темурийлар ва Сафавийлар қўлёзмалари Бухорога олиб келинади.

XVII асрда Аштархонийларнинг (1601–1753) ҳокимиятга келиши мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида ўзгаришларга сабаб бўлмади. XVII асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида маданий соҳада бирмунча ижодий ютуқларга эришилди, Самарқанд ва Бухорода йирик қурилишлар бўлди (Регистон, Лаби ҳовуз), саройда шеърят, тарихнавислик, мусиқа ривожланди, китобат санъатига ҳомийлик қўллаб-қувватланди. Бухорода Аштархоний Имомқулихон (1582–1644) кутубхонаси фаолият олиб борган икки китобдорнинг номи маълум: Мирзо Ёдгор китобдор ва Мирзо Хусайн китобдор [18].

XVII асрнинг иккинчи ярми қўлёзма китобларни тайёрлашнинг ривожланиш босқичидаги янги давр бўлди. Абдулазизхон II (1614–1683) ҳукмронлиги даврида (1645–1681) сарой кутубхонаси анча ривожланди [15]. Бадиий қўлёзмалар доирасини аввалгидек Шарқ шеърятининг мумтоз асарлари, тарихий асарлар, баъзан табиий фанларга оид рисоалар ташкил этган. Шу билан бирга, халқ оғзаки ижодига, афсонавий ёки ибратомуз-маиший сюжетларга мурожаат қилиш ижодкорлар орасида кенг ёйилди. Мумтоз йўналишга амал қилувчилар орасида эса романтик услуб устун бўлган. Абдулазизхон кутубхонасида мусаввирлар Муҳаммад Муқим, Аваз Муҳаммад, Муҳаммад Амин, Муҳаммад Салим, Мулло Беҳзод, Хожа Гадоий Наққош, хаттотлар Ёдгор, Мулла Арабшоҳ, Мулла Бокилар фаолият кўрсатган, кутубхона раҳбари Ҳожи Абдурахмон ва Носириддин китобдорлар бўлган [11, р. 585].

Аштархонийлардан Имомқулихон ва Абдулазизхон II ҳукмронлиги даврида яратилган муқовалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу давр муқовасозлигидаги ўзига хослик аввалдан мавжуд бадиий йўналишларни сақлаб қолган ҳолда, бу даврда ҳам темурийлар ва ҳинд услубларининг қоришганлигида кўзга ташланади. Бу даврга келиб Бухорода кўплаб ҳиндлар яшай бошлаган, улар қимматбаҳо тошлар, атторлик маҳсулотлари, матолар, бўёқлар, олтин иплар билан савдо қилишган. Муқовасозликда ҳам айнан ҳинд услубига мурожаат қилиниб, ҳинд буюмларига хос безаклар ўз ифодасини топган.

Абдурахмон Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор” асарининг 921/1515-16 йилларда Бухорода хаттот Султон Муҳаммад Нур томонидан кўчирилган қўлёзмаси (New York, Freer Gallery, no. S 1986. 52. 1.) муқовасининг ташқи томони тўқ малла рангдаги чарм билан қопланган. Муқова жилдида нафис безаклар кесилиб, темурийлар даври муқоваларидаги каби зарҳал медальон жойлаштирилган.

Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” асарининг Бухорода 948/1531 йилда хаттот Мир Али Ҳиравий (ваф. 1544) томонидан Убайдуллахон учун кўчирилган қўлёзмаси бугунги кунда Буюк Британиядаги шахсий коллекцияда сақланмоқда. Қўлёзма муқоваси [13, по. 11] ён қопламасининг ташқи томонида “*Эй, Аллоҳ, Султон Абу Саид Кўрагон ҳукмронлигини абадий қил*” деган мазмундаги ёзув мавжуд

Бу ёзув муқова 1459–1469 йилларда Ҳиротда ҳукмронлик қилган Темурий ҳукмдор Султон Абу Саид (ваф. 1469) сарой кутубхонасида бажарилганидан, Убайдуллахон 1528 йилда Ҳиротни эгаллаган вақтда муқова Бухорога келтирилганлигидан гувоҳлик беради.

Муқова олд жилдининг ташқи томони қора рангдаги чармдан, медальон композицияли бўртма зарҳал безаклар муҳр-асбобда туширилган, *турунж* услубидаги медальонда битта дарахт, ўсимликлар ва иккита ҳайвон тасвирланган. Бурчак безаклари ва кенгайтирилган ҳошиядаги алоҳида лавҳалардан иборат ўсимликсимон безаклар зарҳал бўртма тасвирларга эга.

Убайдуллахон кутубхонасида ушбу муқовадан намуна олган ҳолда бажарилган бошқа бир муқова – Беҳзод Салмон Соважийнинг (XIV аср) “Фирокнома” асарининг 1540–1560 йилларда кўчирилган қўлёзмаси (Bibliothèque nationale de France, Département des manuscrits, Pers. 243.) учун тайёрланган муқова бўлиб, ундаги медальонни тасвирлашда айнан юқоридаги муқовадан андоза олинган. Муқова орқа жилди, олд ён қопламаси ва лабаки қисмининг ички томони тўқ малла рангдаги чармдан, зарҳал бўёқда чизилган ҳамда кўк, зарҳал фонда акс этган чармдан нафис кесилган безаклардан иборат. Марказий лавҳадаги бодомсимон медальон *турунж*даги нафис кесилган зарҳал арабеска безаклар турли хил рангдаги фонда тасвирланган, бурчак безакларда медальоннинг чорак қисми такрорланган.

Марказий лавҳанинг медальон ва бурчак безаклардан холи қисмига зарҳал бўёқда ўсимликсимон безаклар чизилган. Кенгайтирилган ҳошия текис чизилган зарҳал чизиклар билан чегараланган, ҳошияда кўк фонда нафис кесма безаклар ифодаланган алоҳида лавҳалар жойлаштирилган. Муқованинг лабаки қисми беаги жилд беагига уйғунлаштирилган. Худди шу қўлёзма муқовасига хос услубда яратилган бошқа бир мукова қимматбаҳо тошлар қадаб, ёзувли безаклар билан безатилган [20].

Ҳотиғий (ваф. 1521) “Ҳафт манзар” асарининг 944/1537 йилда Бухорода Убайдуллахон кутубхонаси учун хаттот Мир Али томонидан кўчирилган қўлёзмасида (New York, Freer Gallery, no.F 1956.14) миниатюрачи рассом Шайхзода томонидан ишланган миниатюра ҳам жой олган. Қўлёзма муқовасининг ташқи томони тўқ қизғиш чармдан бўлиб, унга медальонли композиция босма муҳр-асбоб ёрдамида туширилган ва тилларанг безаклар билан безатилган. Медальонда икки ҳайвон-шоҳли эчки ва от акс эттирилган. Марказий лавҳа тилла бўёқдаги гуллар билан безатилган, кенгайтирилган ҳошияда катта-кичик лавҳалар босма ва чизилган безаклар билан безатилган.

Убайдуллахон кутубхонаси учун тайёрланган яна бир қўлёзма Низомий Ганжавийнинг (1141–1209) “Маҳзан ул-асрор” асарининг Бухорода хаттот Мир Али Котиб томонидан 944/1537–38 йилда кўчирилган. Қўлёзма диптихининг чап томонидаги ёзувда 952/1543 йилда Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан бажарилганлиги қайд этилган. Қўлёзма муқоваси темурийлар даври Ҳирот услубига хос бўлиб, манзарали безак ва чармдан кесилган нафис безак мукамал даражада бажарилган (Paris, Bibliothèque Nationale, Suppl. Persan, 985). Муқованинг ташқи томони жигарранг чармдан, унда яхлит муҳр-асбобда туширилган зарҳал тасвир ифодаланган. Марказий лавҳада ўсимликсимон безаклар орасида ҳайвон, қуш ва афсонавий жонзотлар акс этган манзара акс этган: марказда кийикни ўлжасига айлантирган Узоқ Шарқ афсоналарига оид афсонавий мавжудот; пастки қисмда кичик ҳайвонлар, тўнғизни минган маймун, юқорида қанотларини кенг ёйган афсонавий қуш ва булут шакллари акс эттирилган. Кенгайтирилган ҳошия тўқилгансимон чизиклар билан чегараланган, ҳошияда ўсимликсимон безаклар билан тўлдирилган алоҳида катта ва кичик лавҳалар жойлаштирилган.

Ушбу мукова ташқи жилдининг марказий лавҳаси Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин ибн Абдуллоҳ – Саъдий Шерозийнинг (1203–1292) “Бўстон” асарининг XVI асрда Ҳиротда бажарилган қўлёзмаси учун ишланган мукова билан бир хил кўринишга эга (Миср Миллий кутубхонаси, 6007S-рақамли қўлёзма) [12, p. 73]. Мукова олд жилдининг ички томони малла рангдаги чармдан, чармни кесиб бажарилган зарҳал рангга бўялган тўқ нафис нақш ва тасвирлар кўк ранг фон устида ифодаланган. Марказий лавҳанинг медальон шакли дизайннинг тўрт томонида кенгайтирилган ҳошия томон тўртта куён, тўртта тулки ва тўртта ўрдак ўсимликсимон безаклар орасида жойлаштирилган. Бурчак безакларда медальоннинг чорак қисми такрорланган. Кенгайтирилган ҳошия тўқилгансимон чизиклар билан чегараланган, ҳошияда ўсимликсимон безаклар билан тўлдирилган алоҳида катта ва кичик лавҳалар жойлаштирилган.

Ҳоғиз Шерозийнинг “Мунтахабати Бўстон” асарининг Мир Куланги номи билан машҳур бўлган хаттот Мир Ҳусайн ан-Насағий котиб ал-Ҳоқоний томонидан 964/1556–57 йилда кўчирилган қўлёзмасининг (Paris, Bibliothèque nationale de France. Département des manuscrits. Persan 257.) муқоваси Шайбонийлар даврига хос намуналардан ҳисобланади. Шунга ўхшаш муқовалардан бири Низомий (ваф. 1209) “Ҳамса”сининг хаттот Маҳмуд ибн Исҳоқ ал-Шихобий томонидан 920/1514 йилда кўчирилган қўлёзма учун тайёрланган [21]. Қўлёзма Нидерландияда Шарқ санъати аукционидан намоиш этилган. Аукционда намоиш этилган XV асрга мансуб деб кўрсатилган бошқа қўлёзма – Қуръони карим муқоваси яхлит чармдан ишланган бўлиб, марказий қисмидаги турунж темурийлар даври муқоваларига хос тарзда ўсимликсимон тасвирлар билан безатилган [21].

Саъдий Шерозий “Бўстон”ининг Бухорода 929/1522–1523 йилда Амир Али Ҳусайний томонидан кўчирилган қўлёзмаси (New York, The Metropolitan Museum of Art. No. 11.134.2) муқовасининг ташқи томони темурийлар даври муқоваларига хос тарзда булутли безаклар

билан безатилган. Айнан шундай безаклар темурийлар даврига оид кичик ҳажмда, саккиз бурчак шаклида ясалган (9,5x9,5 см) Қуръони карим қўлёзмаси (New York, The Brooklyn Museum. No. 1992.230.) муқовасининг ташқи томонида тасвирланган.

Хаттот Мир Али Хусайний Ҳиравий (ваф. 951/1544) томонидан бажарилган форс тилидаги шеърлар тўплами “Мажмуаи ашъор” қўлёзмаси Бухорода кўчирилган, 935 йил зулқаъда/1529 йил июль-август санаси кўрсатилган. Қўлёзма муқоваси жуда чиройли тарзда бажарилган бўлиб, олд жилдининг ташқи томони тўқ малла рангдаги чармдан, безаклар хошия ва марказий лавҳада тасвирланган: марказий лавҳа тасвири яхлит муҳр-асбобда туширилган зарҳал тасвири ифодалайди: тасвир марказида майсазорда гуллаган дарахт, унинг атрофида турли хил кичик ҳайвонлар ва қушлар акс эттирилган, пастки чап бурчакда айикнинг устига минган маймун тасвири темурийлар муқовасозлигига хос услуб ҳисобланади. Марказий лавҳанинг тепаси ва пасткидаги кенг қаторда араб графикасида ёзув ёзилган. Муқованинг ички томонида нафис кесилган зарҳал безаклардан фойдаланилган, марказий медальонда кийикка ҳамла қилган шер ифодаланган (Санкт-Петербург, Россия ФА Шарқшунослик институти. С 806) [3, с. 21–23; 2, с. 76–82; 9, б. 222–236].

Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” асарининг Бухорода Абдуллахон соний кутубхонаси учун 964/1557 йилда хаттот Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шаҳобий ал-Ҳиравий томонидан кўчирилган қўлёзмасида Маҳмуд Музаҳҳиб қаламига мансуб миниатюра ҳам жой олган. Маълумки, Абдуллахон сонийнинг ҳукмронлик даврида кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон, Туркия билан сиёсий, маданий ва савдо алоқалари кучаяди. Қўшни давлатлар, айниқса, Шимолий Ҳиндистон Бобурийлар давлати билан бадиий алоқалар маҳсули бўлган янги қўлёзмалар туркуми пайдо бўлди. Ушбу қўлёзма, жумладан унга ишланган муқовадаги (New York, The Metropolitan Museum of Art. No. 49.140) [17, Tafel. XXV, XXVI; 16, p. 1921–1927, 1975–1994, ill. vol. V, pl. 968; 19, no. 92, ill. pl. XXII right; 14, p. 247, 248, 253, ill. fig. 11] тасвирлар ўша давр Марказий Осиё китобатида ҳинд услубига хос жиҳатлар кўзга ташланганлигидан гувоҳлик беради. Бу ўхшашликни Низомий “Ҳамса”сининг 1593–1595 йилларда Бобурий ҳукмдор Акбар учун тайёрланган қўлёзмаси (London, British Library. Or. 12208.) учун бажарилган муқовадан топиш мумкин.

Муқованинг ташқи томонини безатишда лок технологиясидан фойдаланилган. Муқованинг ички томонида малла рангдаги чармда медальон композицияси ифодаланган. Олд ва орқа жилд кенгайтирилган хошия ва марказий лавҳага ажратилган, марказий лавҳада ёрқин қизғиш рангдаги фонда асосан садаф рангдаги ҳайвонлар, қушлар, тўқ яшил рангдаги ўсимликлар акс этган манзара тасвирланган, ўсимлик барглари учун ишлатилган қумуш ранг оксидланиш туфайли қорайган.

Олд жилддаги марказий лавҳадаги манзарада кийикка ҳужум қилган шер, унинг ҳужумидан қўрқиб турли тарафга қочган икки силовсин, кийик, юқорироқда учаётган икки қуш, бир-бирига қараган икки кийик, пастроқда сув бўйидаги икки қушни қузатаётган шер тасвирланган. Орқа жилддаги манзара тасвирида сув оқаётган қоя, барглarga бурканган ва гуллаган дарахтлар, буталар, кийиклар ва қуёнлар, уларга ташланаётган олачипор қоплон акс этган. Муқовада ифодаланган тасвирлар ва безаклар қўлёзма саҳифаларида хошияда акс этган тасвирлар билан бир хил.

Саъдий Шерозий “Бўстон”ининг Бухорода 929/1575-76 йилда Мир Али Хусайний томонидан кўчирилган бошқа бир қўлёзмаси (Санкт-Петербург, Россия Миллий кутубхонаси. PNS. 269.) Бухоро амири Олимхон (1880–1944) томонидан рус подшоси Николай II (1868–1918)га ҳадя қилинган. Қўлёзма муқовасининг ташқи томони лок тасвирий санъати билан безатилган [10, б. 156]. Шунингдек, Ҳофиз Таниш Бухорий (тахминан 1540–1589) “Шарафномаи шоҳий” асарининг 1065/1654-55 йил санаси кўрсатилган қўлёзма муқовасининг ташқи томонида ҳам лок тасвирий санъати ифодаланган (Санкт-Петербург, Россия ФА Шарқшунослик институти. D 88) [5, №426; 9, б. 276–279].

Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида муқовасозликда темурийлар даврига хос Ҳирот услуби билан бирга, ҳинд муқоваларига хос услубдаги безакларни кўриш мумкин. Темурийлар даврида муқова жилдлари асосан чармдан тайёрланган бўлса, бу даврга келиб,

манзарали безак, нақшлар тасвирланган локланган муқовалар ҳам кенг тарқалди. Бундай муқоваларнинг жилди устига гипс ва елим аралашмаси суртилган папье-машедан қилинган картондан бўлиб, унинг устига турли хил тасвирларни чизиш мумкин бўлган. Муқова жилдининг ташқи томони асосан медальонли манзара композицияси яхлит зарҳалланган тарзда безатилган бўлса, муқованинг ички томонида нафис кесилган зарҳал безаклардан фойдаланилган.

**4. Хулоса:** Темурийлар даври Ҳирот муқовасозлик мактаби анъаналарининг кейинги давр Марказий Осиё китобат маданиятига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар муҳим хулосаларни чиқариш имконини беради. Аввало, 1507 йилда Ҳиротнинг Шайбонийлар томонидан эгалланиши сиёсий ўзгаришларга сабаб бўлса-да, маданий занжирнинг узилишига олиб келмади. Султон Али Машҳадий шогирдлари, хаттот Амир Али Ҳусайний ва мусаввир Шайхзода (Маҳмуд Музаҳҳиб) каби юксак маҳоратли Ҳирот усталарининг Бухорога кўчиб ўтиши натижасида Ҳирот китобат ва муқовасозлик мактаби анъаналари Мовароуннаҳр заминида изчил давом эттирилди.

Бухоро хонлиги кутубхоналарида Ҳирот бадиий безакларидан тўғридан-тўғри андоза олиш анъанаси кучли бўлган. Бунга Султон Абу Саид саройига тегишли муқовадан намуна олиб тайёрланган Салмон Соважийнинг “Фироқнома” (1540–1560) қўлёзмаси муқоваси ҳамда Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан безатилган Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” (1537–38) асари муқовалари яққол далилдир. Уларда Ҳирот услубига хос бўлган ўсимликсимон безаклар орасидаги жонли табиат, қушлар ва афсонавий жонзотлар композицияси ўзлиқ сақланган.

Абдуллахон соний ва Аштархонийлар (Имомқулихон, Абдулазизхон II) даврида Шимолий Ҳиндистон (Бобурийлар давлати) билан сиёсий ва савдо алоқаларининг кучайиши муқовасозликда янги йўналишни бошлаб берди. Натижада, Марказий Осиё китобат муҳитида анъанавий Ҳирот услуби билан Ҳинд бадиий безакларининг ўзаро қоришмасидан иборат ўзига хос синтетик услуб шаклланди. Темурийлар даврида муқовалар асосан яхлит чармдан тайёрланган бўлса, XVI–XVII асрларга келиб Марказий Осиёда муқовасозликнинг технологик имкониятлари кенгайди. Анъанавий чарм муқовалар билан бир қаторда, гипс ва елим аралашмаси суртилган папье-маше (картон) асосидаги ҳамда устига лок билан нафис манзаралар чизилган локланган муқовалар (лок тасвирий санъати) кенг расм бўлди.

Умумий айтганда, Темурийлар даври Ҳирот муқовасозлик услуби кейинги асрларда Марказий Осиё маҳаллий муқовачилик мактаблари учун асосий пойдевор ва бадиий мезон бўлиб хизмат қилди. Ушбу анъаналар маҳаллий дид ва ташқи маданий таъсирлар асосида трансформацияга учраб, Марказий Осиё китобат санъатининг янги ва бетакрор босқичини бошлаб берди.

#### Иктибослар/Сноски/References:

1. Акимушкин О. «Библиотека Шибанидов в Бухаре XVI века» / в кн. Средневековый Иран. Культура, история, филология. – СПб, Наука, 2004. – С. 368–383.
2. Акимушкин О. Лицевая рукопись из собрания Института Народов Азии АН СССР / Ближний и Средний Восток. –М: Издательство восточной литературы, 1962. – с. 76–82.
3. Акимушкин О.Ф. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения РАН. Вып. 10. Поэтический сборники, альбомы. – М.: Наука, 1993.
4. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVII вв. Тошкент: Фан, 1985.
5. Миклухо-Маклай Н. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения. Выпуск 3. Исторические сочинения. Ответственные редакторы О.Акимушкин. – М.: «Наука» ГРВЛ, 1975.
6. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарихи Рашидий (нашрга тайёрловчи, сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Жалилов). – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011.
7. Муродов А. Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент.: Фан, 1971.

8. Нисорий Ҳасан Хожа. Музакири аҳбоб: тазкира. Таржима ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
9. Ўзбекистон маданий мероси: Россия Фанлар академияси Шарқ қўлғамалари институти тўплами. – Т. VII. – Тошкент, 2020.
10. XV–XVII асрлар Мовароуннахр китобат санъати (Россия миллик қутубхонаси тўпламидан, Санкт-Петербург, Россия) (“Ўзбекистон маданий мероси” туркуми). – Тошкент, 2020. том. 17.
11. Akimushkin O. Arts of the book, painting and calligraphy / History of Civilizations of Central Asia. Development in contrast: from the sixteenth to the mid-nineteenth century. – Paris: UNESCO, 2003. Volume V. – P. 580-585.
12. Barakat H. Treasures of the Illustrated and Illuminated Persian Manuscripts. National Library of Egypt. – Cairo, 2008.
13. Catalogue Kent Antiques: Islamic and Indian Art. – London, 2006.
14. Kröger J. On Mahmud b. Ishaq Al-Shihabi's Manuscript / Muqarnas vol. 21, 2004.
15. Porter Y. Le kitâb-khâna de ‘Abd al-‘Azîz Khân (1645-1680) et le mécénat de la peinture à Boukhara // Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique. 1999. – №7. – P. 117-136.
16. Ralph H. and Ettinghausen R. A Survey of Persian Art from Prehistoric Times to the Present, edited by Arthur Upham Pope. Vol. I-VI. – London and New York: Oxford University Press, 1938. vol. III.
17. Sarre F. Islamische Bucheinbände. Buchkunst des Orients. – Berlin, 1923
18. Szuppe M. Lettrés, patrons, libraires. L'apport des recueils biographiques sur le rôle du livre en Asie centrale aux XVIe et XVIIe siècles // Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique. 1999. – № 7. – P. 99-115.
19. The History of bookbinding 525-1950. A.D. : an exhibition held at the Baltimore museum of art November 12, 1957 to January 12, 1958, organized by the Walters art gallery and presented in cooperation with the Baltimore museum of art. – Baltimore: Walters Art Museum, 1957.
20. <https://www.orientalartauctions.com/object/art3003908-nizami-d-1209-khamsa-copied-by-mahmoud-ibn-ishaq-isaac-al-shihabi-persia-timurid-dated-920-ah-1514-ad>
21. <https://www.orientalartauctions.com/object/art3004635-a-timurid-quran-juz-persia-14th-15th-century>
22. <https://www.redbubble.com/i/notebook/Antique-Persian-Book-Cover-by-typhon/42823954.RXH2R>

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000